



20 17 yil " 14 " ИЮНЬ

К-279 - sonli

Вилоят ҳудудида шаҳарлараро ва шаҳар атрофида қатнайдиған йўловчи ташиш транспорти хизматлари учун чекланган тарифларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги "Шаҳарда ва шаҳар атрофида қатнайдиған йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари тўғрисида"ги 455-сонли қарорига мувофиқ, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларининг харажатлари қопланишини таъминлаш орқали йўловчи ташувчи транспортларининг аҳолига барқарор ва сифатли хизмат кўрсатишини таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Шаҳар атрофи ва вилоят ички йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси"нинг 2017 йил 2 февралдаги йиғилиш баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳудудида шаҳарлараро ва шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчи ташувчи автобусларда 1 (бир) йўловчига 1 (бир) км учун 50 (эллик) сўм, йўналишли таксиларда 1 (бир) йўловчига 1 (бир) км учун 65 (олтмиш беш) сўм этиб белгилансин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Амиров ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Х.Рўзиқуловлар зиммасига юклансин.

3. "Сурхон тонги" ва "Заря Сурхана" газеталари бирлашган таҳририяти (Р.Раҳимова)га мазкур қарорнинг тўлиқ матнини матбуотда эълон қилиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов